**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи**
**____________ И.Раҳимов**
**“___”___________ 2022 йил**

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ГУРЛАН ТУМАНИ ЎЙИЛМА МАХАЛЛАСИДА ОЧИҚ БЮДЖЕТ ПАРТАЛИДА ҒОЛИБ БЎЛГАН АМИР ТЕМУР ВА ЯССАВИЙ КЎЧАЛАРИ ИЧКИ ХЎЖАЛИК ЙЎЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ УЧУН ЛОЙИХА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ.**

объекти бўйича:

# *ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ*

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ**

Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси

Ташкилот номи

2022 йил

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА**

Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси номидан энг яхши таклифни танлашда иштирок этишга танлов иштирокчиларини таклиф этамиз ва қуйидаги объект бўйича танлов таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: **Хоразм вилояти Гурлан тумани Ўйилма махалласида очиқ бюджет парталида ғолиб бўлган Амир Темур ва Яссавий кўчалари ички хўжалик йўлларини жорий таьмирлаш учун лойиха смета хужжатларини тайёрлаш.**

Объектнинг бошланғич нархи– **33 600 000 сўм.** (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати –10 календарь кун.

Буюртмачи: Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси. (Гурлан туман Мустақиллик кўчаси 2-уй), Тел (62)365-15-40.

**Молиялаштириш манбаси: : "Бюджет" маблағлари ҳисобидан.**

Таклиф этилган шартлар бўйича танловда мурожаат билан маҳаллий қурилиш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлов предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлов иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги танлов иштирокчиларига танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Ҳар бир объект бўйича қурилишда ишлатиладиган машина ва механизмлар рўйҳати тўлиқ илова қилиниши керак.

**Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи:** **И.Рахимов**

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШДА ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунига асосан хамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси  Президенти хузуридаги Лойиха Бошқарув Миллий Адентлигининг “харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан ишлаб чиқилди.

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШДА ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

**Техник қисм:**

**1-шакл.** Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

**2-шакл**. Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

**3-шакл.** Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари.

**4-шакл.** Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.

**5-шакл.** Қурилиш майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома.

**Тижорат қисми:**

қурилишнинг бошланғич нархи (электрон тизим орқали);

қурилишнинг муддати (электрон тизим орқали);

молиялаштириш манбаси, шартлари ҳамда шартнома лойиҳасидан иборат.

## ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

1. Мазкур лойиҳа бўйича танловда таклиф этилган шартлар бўйича мулкчилик шаклидан қатий назар шу мазмуда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йиллик тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган маҳаллий қурилиш ташкилотлари танлов иштирокчиси бўлиши мумкин.

Харид қилиш тартиб-тамоиллари иштирокчиси (бундан буён матинда иштирокчи деб юритилади) харид қилиш тартиб-тамоилида давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган юридик шахслардир.

Иштирокчи:

давлат харидлари тўғрисидаги ахбороттдан қонунчиликда назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш;

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга харид қилиш тартиб-таомиллари натижалари юзасидан шикоят қилиш;

қонунчиликка мувофиқ таклифларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Иштирокчи:

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва ҳужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлиши;

асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;

ғолиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.

Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси энг яхши таклифларни танлаш бўйича айни битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

Электрон танловда қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлган иштирокчилар қатнаша олади:

шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

2. Танлашда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар талаб этилади:

Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган махнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги хамда моддий техник базага эга бўлиши;

Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик, хуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

Танлаш объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

3. Қуйидаги танлов иштирокчиларига танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

4. Танлов иштирокчилари танлов ва лойиҳа ҳужжатларини ўрганиб чиқишлари керак, танлов иштирокчилари танишиб чиқиш мақсадида танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари)ни www. xarid.uzex.uz махсус ахборот порталида танишишга ҳақлидирлар.
5. Танлов иштирокчиси ўзининг танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак. Бунда буюртмачи, танлов ташкилотчиси ва танлов комиссияси танлов натижаларидан қатъий назар мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

## ХАРИД КОМИССИЯСИ

Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш чоғида давлат буюртмачиси томонидан шакллантириладиган, ушбу тартиб-таомилларни ўтказиш тартибида шакллантирилиши талаб этиладиган коллегиал органдир.

Харид комиссияси ишининг асосий мақсади харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича холис баҳолашдан ва тартибга солишдан ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлашдан иборат.

Харид комиссиясининг ишига раис раҳбарлик қилади, у харид комиссияси мажлисларини чақиради ва олиб боради, овозга қўйишни ва харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни эълон қилади, шунингдек харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини имзолайди. Харид комиссияси раиси йўқлигида унинг вазифаларини ўринбосари бажаради.

Харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган масъул котиби ташкил этади.

Харид комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

харид қилиш ҳужжатларини келишади;

таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;

таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;

таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;

зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;

дастлабки малака танловини ўтказади, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади;

зарур бўлганда баҳолаш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

харид қилиш тартиб-таомилларини ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширади;

харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ғолибини ва зарур бўлганда захирадаги ғолибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.

Харид комиссияси давлат харидлари ижрочисини аниқлаш тартиб-таомилларининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги, ўзи қабул қилаётган қарорларнинг асослилиги ва беғаразлиги учун жавобгар бўлади.

Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди.

Харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар давлат буюртмачиси ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари учун мажбурийдир.

**1-ШАКЛ**

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Танлов иштирокчисининг номи ____________________________________________________
Танлов иштирокчиси раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми __________________
Манзили ва телефон (факс) рақами __________________________________________________
Юридик мақоми ______________________________________________________________
Тузилган санаси (ким томонидан, берилган ордер ёки буйруқ рақами) ____________________
Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) ________________________________

**Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:**

| Т/р | Ф.И.О. | Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси) | Қурилишдаги иш тажрибаси (йил) | Эгаллаган лавозими | Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | | |

**Асосий ходимлар** (участка, бўлим бошлиқлари, иш юритувчи, уста, ишлаб чиқариш бўлими муҳандислари ва бошқалар)

| Т/р | Ф.И.О. | Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси) | Қурилишда иш тажрибаси (йил) | Участка (бўлим) номи, эгаллаган лавозими | Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | | |

**Доимий ишчи ходимлар (ишчилар)**

| Т/р | Мутахассисликлар номи | Жами сони, шу жумладан мутахассисликлар ва разрядлар бўйича | Улардан (3-устундан) малакасини тасдиқловчи ҳужжати борлар | Улардан (4-устундан) қурилишда 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси борлар |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | Жами | | | |
| | Шу жумладан: | | | |
| | Бетончилар _____ разрядли | | | |
| | Ғишт терувчилар ____ разрядли | | | |
| | Том қурувчилар _____ разрядли | | | |
| | Пайвандчилар _______ разрядли | | | |
| | Сантехниклар _______ разрядли | | | |
| | Дурадгорлар ______ разрядли | | | |
| | ва бошқалар | | | |

Кадрлар бўлими бошлиғи: /имзо ва мухр/

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси:

Тузилган сана: “_____” __________ 20___ й.

**Изоҳ:** *Танлов иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги статистика ҳисоботларининг нусхалари ҳамда ишчи ходимлар учун ушбу ташкилотда камида 1 йиллик доимий иш фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилади.*

**2-ШАКЛ**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

*(Шаклга кейинги 3 йилдаги молиявий натижалар ва бухгалтерия баланслари ҳақидаги ҳисобот илова қилинади)*

______________________________________________________________

*(танлов иштирокчисининг номи)*

| **АКТИВЛАР** | **20__ й** | **20__ й** | **20__ й** | **ПАССИВЛАР** | **20__ й** | **20__ й** | **20__ й** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Узок муддатли активлар** | | | | **Ўз маблағлари манбаи** | | | |
| Асосий воситалар | | | | Устав фонди | | | |
| Шундан Ишлаб чиқариш фондлари | | | | Тақсимланмаган фойда | | | |
| Қолдиқ қиймат | | | | **Мажбуриятлар** | | | |
| Капитал қуйилмалар | | | | Займлар | | | |
| Тугалланмаган ишлаб чиқариш | | | | Кредитор қарздорлик | | | |
| **Жорий активлар** | | | | Шундан муддати ўтган қарздорлик | | | |
| Айланма маблағлар | | | | Шундан бюджетдан қарздорлик | | | |
| Улардан ишлаб чиқариш захиралари | | | | Шундан иш ҳақидан қарздорлик | | | |
| Дебитор қарздорлик | | | | | | | |
| Шундан муддати ўтган қарздорлик | | | | | | | |
| Жами баланс активи бўйича | | | | Жами баланс пассиви бўйича | | | |

## МОЛИЯВИЙ НАТИЖА

| **Номи** | **20__ й** | **20__ й** | **20__ й** | **Номи** | **20__ й** | **20__ й** | **20__ й** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Реализациядан олинган тушум | | | | 8. Соф фойда | | | |
| 2. Реализациядан олинган соф тушум | | | | Шундан асосий фаолият бўйича | | | |
| 3. Реализация килинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи | | | | Умумхўжалик фаолият бўйича | | | |
| 4. Маъмурий харажатлар | | | | 9. Асосий фаолиятдан олинган фойда | | | |
| 5. Бошқа харажатлар | | | | 10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда | | | |
| 6. Даромад солиғи тўловигача фойда | | | | 11. Зарар | | | |
| | | | | шундан асосий фаолиятдан | | | |
| 7. Даромад солиғи | | | | умумхўжалик фаолиятдан | | | |

Баланс фойдаси ______________________________________________

Охирги 3 йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятсизлиги юзасидан суд иши олиб борилганми?

## Танлов иштирокчисининг салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот

| СТИР | Қурилиш ташкилоти тоифаси | Ташкилот томонидан ўтган йил (20___ йил) якуни билан тақдим этилган бухгалтерия балански (Ф-1) ҳисоботи кўрсаткичлари | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Асосий воситалар қолдиқ (баланс) қиймати Ф-1, 012-сатри | Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти (1,25) =9/(10-11) | бухгалтерия балански (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар | | | Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти (020) =(9+10+11-12)/13 | бухгалтерия балански (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар | | | | |
| | | | | 390 - сатр | 770 - сатр | 490 - сатр | | 480 - сатр | 570 - сатр | 580 - сатр | 130 - сатр | 390 - сатр |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| | | | | | | | | | | | | |

Қоплаш коэффициенти (тўловга қодирлик) ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у фақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайганлигидан далолат беради.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{Кпл} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{\text{А2}}{\text{П2 - ДО}}$$, бунда:

**А2** - жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу кабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

**П2** - мажбуриятлар, баланс активининг II бўлими, 770-сатр;

**ДО** - узоқ муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия балансининг 490-сатри).

Агар тўловга қодирлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Кос} = \frac{\text{(П1 + Дзк2) - А1}}{\text{А2}}$$, бунда:

**А1** - узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қуйилмалар ва шу кабилар), баланс активининг I бўлими, 130-сатр;

**П1** - ўз манбалари маблағлари (устав капитали, захира капитал, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва шу кабилар), баланс пассивининг I бўлимининг якуни, 480-сатр;

**Дзк2** - узоқ муддатли активларни сотиб олишга йўналтирилган узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрларидан ҳисоблаб чиқиш йўли билан).

Ушбу касрнинг сурати ташкилот ўз маблағларининг қанча суммаси айланмага йўналтирилганлигини, махраж - барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати - 0,2.

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган деб ҳисобланади.

Раҳбар ____________________ Бош ҳисобчи _______________

М.Ў

Сана: «____»________________20__ й.

**Изоҳ**: *Танлов иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлари таркибида аудитор компаниясиниг ижобий хулосасини тақдим этиши мумкин. Баланс ҳисоботларининг нусхалари тақдим этилиши шарт.*

**3-ШАКЛ**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ИШ ҲАҚИ ЖАМҒАРМАСИ ВА ҲОДИМЛАР ЎРТАЧА СОНИ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ

| Давр | СТИР | Маҳсулот (товар ва хизмат)ларни реализациясидан соф тушум (Ф-2, 010-сатри), минг сўмда | Иш ҳақи жамғармаси, минг сўмда | Ходимларнинг ўртача сони (*ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақи ҳисобланган ходим сонидан келиб чиқиб*) |
|---|---|---|---|---|
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** |
| Х | | Х | Х | Х |
| Ўтган йил (20__ йил) якуни бўйича | Х | | | |
| Жорий йил (20__ йил) охирги ҳисобот даври бўйича | Х | | | |
| Жами | Х | | | |

**шаҳар (туман) давлат солиқ инспекцияси бошлиғи** ____________

**шаҳар (туман) давлат солиқ инспекцияси камерал назорат бўлими бошлиғи** ____________

**4-ШАКЛ**

# ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРИ РЎЙХАТИ

| Т/р | Номи | Маркаси | Сони | Ишлаб чиқарилган йили | Қуввати | Техник ҳолати | Балансида ёки ижарада |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| **OFIS TEXNIKALARI va DASTURIY TA'MINOTLAR** | | | | | | | |
| 1 | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | |
| 6 | | | | | | | |
| | Ҳаммаси | | | | | | |

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _______________

Тузилган санаси: "_____" _________ 20__ й.

**Изоҳлар:**

*1. 8 устунга қурилиш техникасининг танлов иштирокчиси балансида эканлиги ёки ижарага олинганлиги тўғрисидаги маълумот киритилади.*

*2. Ижара ва лизинг асосидаги техника ижарага олинганда ижарага берувчининг кафолат хати, лизинг шарномасининг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳани бажариш даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак).*

**5-ШАКЛ**

**ҚУРИЛИШ МАЙДОНЧАСИНИ КЎЗДАН КЕЧИРГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА**

Ушбу билан тасдиқланадики, мен ____________________________________________ ,
*(Ф.И.О., лавозими.)*
_______________________________________________________________ томонидан 20___йил __________да берилган ишончномага асосан қуйидагиларни батафсил ўргандим:

а) танлов ҳужжатларини;

б) лойиҳа ҳужжатларини.

Мазкур шартномани сифатли, тўла ва ўз вақтида бажарилишига, келгусидаги ишларнинг қийматига, ҳажмларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ва бошқа ҳолатлар ҳамда қурилиш майдони билан танишдим. Ушбу ҳолатларнинг барчаси ўз таклифимизда ҳисобга олинган.

**Изоҳ:** *Ушбу шаклда объектни ўрганиб чиқилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, кириш йўллари, муҳандислик тармоқларининг мавжудлиги, мавжуд бино ва иншоотлар ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа масалалар қурилиш бош режаси кўринишида тақдим этилади.*

Қатнашчининг ваколатли вакили:____________________ _______________
*(Ф.И.О)* *имзо*

Буюртмачининг ваколатли вакили:_______________________ _______________
*(Ф.И.О)* *имзо*

Ташкилот раҳбарининг имзоси: ________________

Тузилган санаси: “_____” ___________ 20___ й.